

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI**664 Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқлаш ва геология соҳаси ходимларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат геология қўмитаси деб аталади) тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат геология қўмитаси ходимлари узлуксиз иш стажлари учун (узок муддат ишлаганлик) ҳар ойлик устама олиш ҳуқуқига эга;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини (кейинги ўринларда дастурлар деб аталади) амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимларининг узлуксиз иш стажи (узок муддат ишлаганлик) учун устамаларни тўлашга мўлжалланган бюджет маблағлари ҳамда «Навой КМК» ДК ва «Олмалик КМК» АЖнинг ажратмалари миқдорлари Давлат геология қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимларининг узлуксиз иш стажи (узок муддатли ишлаганлик) учун устамаларни тўлаш ҳар йилги дастурларда назарда тутилган тоғкон бурғулаш ишларининг физик ҳажмларини бажариш ва фойдали қазилмалар захираларини ўстириш чорак прогноз параметрларининг бажарилишига кўра ҳар ойда амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2017 йилнинг иккинчи ярим йиллигида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимларининг узлуксиз иш стажи (узок муддатли ишлаганлик) учун устамалар тўлашни молиялаштириш 2017 йилги минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурида тасдиқланган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда:

узлуксиз иш стажи (узок муддатли ишлаганлик) учун ҳар ойлик устамаларни тўлаш эҳтиёжининг 15 фоиз улуши — бюджет маблағлари;

эҳтиёжнинг 67 фоизи ва 18 фоизини ташкил этган улушлар — тегишли равишда «Навой КМК» ДК ва «Олмалик КМК» АЖ маблағлари ҳисобига амалга оширилади, ушбу маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Харажатлар таркиби (ишлар, хизматлар) ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.1.4-бандига мувофиқ ишлаб чиқаришга оид моддий харажатлар таркибига киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 июль,
494-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 июлдаги 494-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат геология қўмитаси деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Давлат геология қўмитаси ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кон муносабатларини бошқариш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

3. Давлат геология қўмитасининг марказий аппарати ва унга идоравий мансуб ташкилотлар Давлат геология қўмитасининг ягона тизимини ташкил этади.

4. Давлат геология қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Давлат геология қўмитаси ўз фаолиятини бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Давлат геология қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Давлат геология қўмитаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, газначилик шахсий ҳисобварақларига, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эгадир.

8. Давлат геология қўмитаси марказий аппаратини сақлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, идоравий мансуб ташкилотларнинг ажратмалари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

9. Давлат геология қўмитасининг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11-уй манзили бўйича жойлаштирилади.

2-боб. Давлат геология қўмитасининг вазифалари ва функциялари

10. Қўйидагилар Давлат геология қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

республиканинг минерал-хом ашё базасини, биринчи навбатда ер ости сувлари, қимматбаҳо, рангли, нодир, камёб металллар ва ураннынг минерал хом ашё базасини жадал ривожлантириш, минерал хом ашёнинг янги турларини ва уларнинг конларини тезкор излаш;

геология-қидирув ишларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, фойдали қазилмалар захирасини ўсишини таъминлаш ва жойларда саноатнинг янги қувватлари яратилишини инobatга олиб иқтисодиёт тармоқларининг минерал-хом ашё базасини қайта тўлдириш;

фойдали қазилмалар конлари саноат йўли билан ўзлаштириш учун берилишини тезлаштириш ҳисобига фаол инвестиция сиёсатини юритиш, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун биринчи навбатда республика ҳудудларида саноатда фаолият кўрсатаётган

тармоқларининг хом ашё манбаларини диверсификациялаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узок муддатли, ўртача муддатли ва йиллик давлат дастурлари мониторинги олиб борилишини ва назорат қилинишини таъминлаш, ер қаърини геологик ўрганиш методикасини ўрганиш натижалари ҳажми, сифати ва ишончилигини холисона баҳолаш;

замонавий юқори самарали геология-қидирув ва лаборатория асбоб-ускуналарини жадал жорий этиш ҳисобига геология тармоғини модернизация қилиш чораларини самарали амалга ошириш, илғор техника ва инновацион технологиялар билан таъминлаш;

кадрларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш, меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий қилиш.

11. Юкланган вазифаларга мувофиқ Давлат геология қўмитаси қуйидаги функцияларни бажаради:

а) ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

республика ҳудудларининг геологик ўрганилганлиги ва иқтисодиёт тармоқларининг фойдали қазилмалар билан таъминланганлигини таҳлил қилди ва унинг асосида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш стратегияси, қайта тўлдириш суръатлари, уларни янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш, оқилона ва комплекс тарзда фойдаланиш ҳамда бунинг учун зарур бўлган давлат инвестициялари ва бошқа инвестициялар ҳажмлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

ўз ваколатлари доирасида республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш прогнозларини, ер қаърини геологик ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича халқаро дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат ҳисобига олишни, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказилишини ва ер қаърини геологик ўрганиш ишларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширади;

мулк эгасининг минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга ошириш доирасида олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотларга ҳуқуқи ва мажбуриятларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига ўтказилган геология-қидирув ишлари натижасида аниқланган фойдали қазилмаларнинг барча турлари бўйича ер қаъри ҳақидаги барча геологик ва бошқа маълумотларни ҳисобга олади, сақлайди ва тизимлаштиради;

ер қаърини геологик ўрганиш ишларини бажаришга лойиҳа-смета хужжатлари экспертизадан ўтказилишини ташкил этади ва таъминлайди:

ер ости бойликлари тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотларнинг давлат фондини, тошларга оид геологик материалларнинг давлат фондини юритади;

конлар ва фойдали қазилмалар конларини аниқлаш учун истиқболли бўлган ер қаъри участкалари давлат реестрини (ўз ваколати доирасида), фойдали қазилмалар захиралари давлат балансини, конлар, фойдали қазилмалар намоён бўлиши ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини, давлат сув кадастрини (ер ости сувлари), табиий хавф юқори бўлган зоналар (хавфли геологик жараёнлар намоён бўлган зоналар) давлат кадастрини юритади, шунингдек қўриқланаётган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бўйича чучук ер ости сувлари конларининг шаклланиши зоналари бўйича маълумотларни тузади ва тақдим этади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда ер ости сувлари мониторингини ҳам ўз ичига олган ер қаъри давлат мониторингини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш зарур тарзда назорат қилинишини ва ҳисобга олинишини таъминлайди;

қўшни давлатларнинг геологик хизматлари билан биргаликда трансчегаравий ҳудудлар доирасида радиоактив ва заҳарли элементлар билан ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш ва ўрганишни амалга оширади, қўшни ҳудудларнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўта хавфли зоналарни ва участкаларни акс эттирган ҳолда геологик харита ва атласлар тузади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга тақдим этади;

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда сув ресурсларидан (ер ости сувларидан) фойдаланиш ва ҳудудларни техноген ва хавфли геологик жараёнлар таъсири тарқалишидан ҳимоя қилиш схемасини ишлаб чиқади;

конун хужжатларида белгиланган тартибда геологик ва минералогик объектлар муҳофазаси юзасидан назоратни амалга оширади;

саноат ва хўжалик қурилишлари объектларини истиқболли жойлаштириш учун муҳандислик-геологик, гидрогеологик ва экологик-геологик асосларни тайёрлайди;

ўз ваколатлари доирасида қурилаётган ва реконструкция қилинаётган йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш ишларида иштирок этади;

қурилаётган бино ва иншоотлар остида фойдали қазилмалар мавжуд эмаслиги ҳақида ҳулосалар берилишини таъминлайди;

саноат йўли билан ўзлаштиришга жалб қилинмаган конлар (кенг тарқалган фойдали қазилма конларидан ташқари) жойлашган майдонларда иморатлар қуриш, шунингдек улар жойлашган ерларда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштириш имкониятларини келишади;

вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан

биргаликда ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш соҳасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш стратегияси ҳақида таклифлар ишлаб чиқади;

идоравий мансуб ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

республика минерал-хом ашё базасининг ҳолати ҳақидаги ахборот тизими мавжуд бўлиши ва унинг ривожланишини таъминлайди, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш соҳасида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга оширади;

б) республика минерал-хом ашё базасини, биринчи навбатда ер ости сувлари, қимматбаҳо, рангли, нодир, камёб металлар ва ураннынг минерал-хом ашё базасини жадал ривожлантириш, минерал-хом ашёнинг янги турларини ва уларнинг конларини жадал излаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, «Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» АЖ билан келишган ҳолда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узок муддатли (5 йил ва ундан ортиқ даврга) ва ўртача муддатли (5 йилгача даврга) давлат дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узок муддатли ва ўртача муддатли давлат дастурларини амалга ошириш доирасида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш йиллик давлат дастурларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, «Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» АЖ билан келишган ҳолда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ваколатли органлар ва манфаатдор ташкилотлар билан келишган ҳолда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узок муддатли, ўртача муддатли ва йиллик давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдали қазилмалар захиралари ўсиши бўйича (углеводородлардан ташқари) давлат буюртмаси лойиҳалари шакллантирилишини таъминлайди;

идоравий мансуб ташкилотлар ўртасида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик дастури доирасида геология-кидирув, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун давлат буюртмаларини жойлаштиради, уларнинг бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, «Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» АЖнинг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштиради;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик дастури доирасида ер қаърини геологик ўрганиш ишларини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар учун бажарилиши мажбурий бўлган ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларни лойиҳалаш ва олиб бориш соҳасида ўз ваколатлари доирасида меъёрлар ва қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Ўз ваколатлари доирасида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик дастури доирасида идоравий мансуб ташкилотларнинг геологик ўрганиш учун ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келишига асос бўлиб ҳисобланувчи ер қаърини геологик ўрганишга оид лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлайди;

хавфли геологик жараёнлар (кўчкилар, кулашлар, чўкишлар, суффозия, карст)ни ўрганиш, шунингдек уларнинг тоғли туманларда ҳосил бўлиши ва ривожланишини кузатиш ишларини олиб боради;

республика ҳудудларининг шўрланишига ва чўлланишига таъсир кўрсатувчи минтақавий экзоген геологик жараёнларни ўрганиш ишларини ўтказди.

в) геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш, фойдали қазилмалар захираси ўсишни таъминлаш ва жойларда янги саноат қувватлари яратилишини инobatга олиб иқтисодиёт тармоқларининг минерал-хом ашё базасини қайта тўлдириш соҳасида:

ер ости сувлари, қимматбаҳо, рангли, ноёб, камёб металллар ва уран конларини, шунингдек бошқа турдаги фойдали қазилма конларини аниқлашга истикболли бўлган ҳудудларни белгилайди ва жойларда саноатни ривожлантириш учун ушбу ҳудудларда геология-қидирув ишларининг устувор ривожланишини таъминлайди;

мавзули ва тажриба-конструкторлик ишларини, маъдан ва тоғ жинсларини технологик тадқиқ қилиш, шунингдек ер қаърини геологик ўрганиш соҳасидаги бошқа ишларнинг устувор йўналишларини ҳамда фундаментал ва амалий фанларнинг илғор ютуқлари асосида минерал-хом ашёдан фойдаланишни асослаб беради;

г) фойдали қазилмалар конлари саноат йўли билан ўзлаштириш учун берилишини тезлаштириш ҳисобига фаол инвестиция сиёсатини юритиш, улардан шу жумладан хорижий сармояларни жалб этган ҳолда самарали фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш соҳасида:

хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини олиб боради, хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боради ва уларга ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича (ўз ваколатлари доирасида) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

халқаро ҳамкорликни амалга оширади, конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ўтказди, Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг геологик хизматлари билан муносабатларни қўллаб-қувватлайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларда аъзолигидан келиб чиқувчи мажбуриятлари бажарилишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш ва фойдаланиш, кончилик муносабатларини бошқариш, минерал-хом ашё салоҳиятини ривожлантириш ва қайта тўлдириш соҳасидаги халқаро шартномаларда қатнашади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда геология-қидирув ишларига (минерал-хом ашё базасини қайта тўлдириш) харажатлар ўрнини тўлдириш ставкалари миқдорларини, геология-қидирув ишларини

молиялаштириш ва кредитлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

тадбиркорлик таваккалчилиги шартларида геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш (номаъдан фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар, шунингдек чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш мақсадидаги ер ости иншоотларидан фойдаланиш бундан мустасно), қўриқланадиган геологик объектларни барпо қилиш ва ярқираматош хом ашё намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш ҳуқуқини берувчи лицензияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беради;

идоравий мансуб гидрогеологик ташкилотлар томонидан ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун гидрогеологик ҳулосалар ўз вақтида берилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома беради ва сувдан (ер ости сувлари) махсус фойдаланиши учун рухсатнома идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз вақтида келишилиши назорат қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ва «Саноатгеоконттехназорат» ДИ билан биргаликда кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатини белгилайди ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда материалларни тайёрлайди, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини бериш юзасидан оммавий савдоларни ташкил қилиш ва ўтказишда қатнашади, ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ўз ваколатлари доирасида ердан фойдаланувчилар томонидан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензияларда белгиланган шартларга, ер қаърини геологик ўрганишларга доир ишларни лойиҳалаштириш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

д) рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун биринчи навбатда республика ҳудудларида саноатда фаолият кўрсатаётган тармоқларининг хом ашё манбаларини диверсификациялаш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида;

тизимли асосда минерал-хом ашёдан фойдаланишнинг умумжаҳон тенденцияларини ва улар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатурасини ўрганади;

республиканинг қайта ишлаб чиқариш қувватлари узоқ муддатли истикболда фойдали қазилмалар захиралари ва ресурслари билан таъминланганлигини таҳлил қилади ва янги турдаги минерал-хом ашёларни ўзлаштириш бўйича таклифлар киритади;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хорижий мамлакатларда янги турдаги минерал-хом ашёдан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини аниқлайди ва уларни республикада маҳаллий хом ашё негизида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

иктисодиётнинг қайта ишловчи тармоқлари хом ашё манбаларини диверсификациялаш бўйича таклифлар тайёрлайди ва манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда киритади;

е) минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узоқ муддатли, ўртача муддатли ва йиллик давлат дастурлари мониторинги олиб борилишини ва назорат қилинишини таъминлаш, ер қаърини геологик ўрганиш методикасини ўрганиш натижалари ҳажми, сифати ва ишончлилигини холисона баҳолаш соҳасида:

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ер қаърини геологик ўрганишга доир ишлар олиб борилишини мувофиқлаштиради;

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан асосий турдаги фойдали қазилмалар захиралари ўсиши бўйича давлат буюртмалари ва республика минерал-хом ашё базасини (углеводородлардан ташқари) шакллантириш, мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир геологик вазифалар ва республика ҳудудини геологик ўрганиш соҳасидаги бошқа ишлар ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг давлат дастурлари амалга оширилиши, фойдали қазилмалар захиралари ўсиши бўйича давлат буюртмаси бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб боради ва назоратни амалга оширади;

республика ҳудудига геология-экология ва гидрогеология-мелиоратив тадқиқотлар дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ер қаърини геологик ўрганишга доир олиб бориладиган ишларга ажратиладиган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

ж) замонавий юқори самарали геология-қидирув ва лаборатория асбоб-ускуналарини жадал жорий этиш ҳисобига геология тармоғини модернизация қилиш чораларини самарали амалга ошириш, илғор техника ва инновацион технологиялар билан таъминлаш соҳасида:

геология-қидирув ишларига замонавий усуллар, илмталаб технологиялар ва ускуналар татбиқ этилишини тизимли асосда амалга оширади;

Давлат геология қўмитасига идоравий мансуб ташкилотларни асосий воситаларни, уларнинг балансига топшириш йўли билан модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича амалий чоралар кўради;

замонавий кон-бурғулаш, геологик-геофизик ва лаборатория-тахлилий ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилади ва уларни самарали қўллаш бўйича идоравий мансуб ташкилотларга методик ёрдам беради;

з) кадрларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича тизимли чораларни

амалга ошириш, меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий қилиш соҳасида:

экстремал шароитларда (сувсизлик, юқори тоғли, ер ости ва бошқалар) иш олиб бориш учун қўшимча тўловлар миқдорининг белгиланишини асослаб беради ва таклифлар киритади;

геология тармоғи учун кадрлар тайёрлашни ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли равишда олиб боради;

Давлат геология қўмитасининг марказий аппарати ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий қилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни бажаради.

12. Давлат геология қўмитаси унга юкланган вазифаларни ҳал этади ва ўзининг функцияларини бевосита ва идоравий мансуб ташкилотлар орқали бажаради.

3-боб. Давлат геология қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

13. Давлат геология қўмитаси унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун белгиланган тартибда рухсатнома бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотлар билан келишган ҳолда уларнинг мутахассисларини геологик материалларни экспертизадан ўтказиш учун жалб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа ташкилотларга ва фуқароларга ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш доирасидаги қоида бузилишларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар йўллаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини чегаралаш, тўхтатиб туриш ва тўхтатиш ҳақида қарор чиқариш;

ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари бажарилмаганлиги ёки етарлича бажарилмаганлиги учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар-

ни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш;

ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш масалалари бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда имзолаш;

Давлат геология қўмитаси марказий аппарати ва идоравий мансуб ташкилотлар мутахассисларини тажриба орттириш, малака ошириш, халқаро конференцияларда қатнашиш, бизнес-форумлар ва бошқаларда иштирок этиш учун белгиланган тартибда хорижий мамлакатларга юбориш;

ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш соҳасида чет эллик етакчи мутахассисларни Давлат геология қўмитаси марказий аппаратида ва идоравий мансуб ташкилотларда ишлаш учун шартнома асосида жалб қилиш;

Давлат геология қўмитаси ваколатига тегишли масалалар бўйича хорижий давлатларнинг вазирликлари (идоралари), халқаро молия ва иқтисодиёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, чет эл фирмалари ва компаниялари билан, шунингдек хорижий давлатларнинг элчихоналари ва миссиялари, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро ва хорижий ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқа бўйича кенгашлар ва видео-конференциялар ўтказиш;

Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда халқаро даражада ифодалаш;

ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш соҳасида ҳукуматлараро қўмиталар, хорижий давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик қилиш бўйича кенгашлар ва комиссиялар ишида қатнашиш;

зарурат бўлганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун геология соҳаси олимлари ва мутахассисларидан иборат вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш, бошқа вазирликлар ва идоралардан мутахассислар ва экспертларни ушбу ишга шартномалар асосида жалб қилиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек бошқа ташкилотлар, шу жумладан хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

давлат бюджети маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотларни шартномалар асосида белгиланган тартибда реализация қилиш (бериш, айирбошлаш, сотиш).

Давлат геология қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

14. Давлат геология қўмитаси ўз ваколати доирасида вазирликлар ва

идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат геология қўмитаси зарур ҳолларда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

15. Давлат геология қўмитаси ва унинг мансабдор шахслари уларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

4-боб. Давлат геология қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш

16. Давлат геология қўмитасига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошчилик қилади.

Раис Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринбосарларга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Давлат геология қўмитаси раиси моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазирга, унинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

17. Давлат геология қўмитаси раиси:

Давлат геология қўмитаси фаолиятига раҳбарлик қилади ва қўмитага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Давлат геология қўмитаси марказий аппаратининг ва идоравий мансуб ташкилотларнинг мансабдор шахслари ваколатларини белгилайди;

Давлат геология қўмитаси марказий аппарати ва идоравий мансуб ташкилотлар учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

зарурат бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат геология қўмитаси марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

Давлат геология қўмитаси марказий аппарати штатлар жадвалини тасдиқлайди;

Давлат геология қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни, Давлат геология қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотларнинг уставларини тасдиқлайди;

Давлат геология қўмитасига идоравий мансуб ташкилотларни қайта ташкил қилиш ёки тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

Давлат геология қўмитаси марказий аппарати ва идоравий мансуб таш-

килотлар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилади, тармоқ ходимларини белгиланган тартибда кўкрак нишонлари ва фахрий ёрликлар билан мукофотлайди, Давлат геология қўмитаси тизимида алоҳида ўрнатилган ходимларни Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари ва давлат мукофотлари билан мукофотлашга тавсия қилади;

Давлат геология қўмитаси марказий аппаратининг ташаббускор ва юқори малакали ходимларининг лавозим маошларига (тариф сеткаси бўйича) белгиланган тартибда шахсий устамалар тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади ва идоравий мансуб ташкилотларда устамаларни тайинлаш тартибини белгилайди;

Давлат геология қўмитаси марказий аппарати ходимларини, Давлат геология қўмитаси тизимида кирувчи ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Давлат геология қўмитаси ва идоравий мансуб ташкилотларнинг молмулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади;

Давлат геология қўмитаси марказий аппаратида ва идоравий мансуб ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни мувофиқлаштиради;

Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш, электрон ҳужжат айланиши тизимини кенг жорий қилиш ва самарали фойдаланиш, юридик ва жисмоний шахслардан тушувчи мурожаатлар бўйича уларни кўриб чиқиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар базасини шакллантиришга оид ишларни назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда имзолайди.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Давлат геология қўмитасида раис (хайъат раиси), унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, шунингдек Давлат геология қўмитасининг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи хайъат ташкил қилинади.

Хайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Давлат геология қўмитаси раиси тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Хайъат:

ушбу Низом билан белгиланган Давлат геология қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш, ер қаърини геологик ўрганиш ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик муносабатларини бошқариш, минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, кончилик муносабатлари соҳасида давлат бошқару-

вини амалга ошириш, фойдали қазилмалар конларини излаш ва қидириш ишлари самарадорлиги оширилишини таъминловчи геология-қидирув ишларини, шунингдек прогнозлаштиришнинг илғор усулларида фойдаланган ҳолда ер қаъри тўғрисида геологик ва бошқа ахборотларни чуқур илмий таҳлил қилиш асосида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узоқ муддатли, ўртача муддатли ва йиллик давлат дастурларини шакллантириш;

Давлат геология қўмитаси номенклатурасига кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш, тайинлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ижро интизомини мустаҳкамлаш, улар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Давлат геология қўмитаси раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Хайъат Давлат геология қўмитаси ваколатига тегишли бўлган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича хайъат йиғилишларига бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам таклиф қилинишлари мумкин.

Хайъат йиғилишида хайъат аъзолари таркибининг ярмидан ортиғи иштирок этган тақдирда хайъат ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Хайъат қарорлари Давлат геология қўмитасининг қарорлари ва раиснинг буйруғи билан амалга оширилади. Раис ва хайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда раис мустақил равишда қарор қабул қилади ва юзага келган келишмовчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилади. Хайъат аъзолари ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрларини маълум қилишлари мумкин.

Хайъатнинг фаолият юритиш тартиби хайъат томонидан тасдиқланган унинг регламенти билан белгиланади.

19. Энг муҳим йўналишларни, иш натижаларини ва ер қаърини геологик ўрганиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун Давлат геология қўмитаси ҳузурида илмий-техник кенгаш тузилади. Илмий-техник кенгаш таркиби ва у тўғрисидаги низом хайъат томонидан тасдиқланади.

5-боб. Моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари

20. Давлат геология қўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Давлат геология қўмитаси ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, устамалар, қўшимча ҳақлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

22. Давлат геология қўмитаси ходимларига қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган ва республиканинг тегишли тармоқ касаба уюшмаси билан келишиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ходимларига узлуксиз иш стажи (узоқ муддат ишлаганлик) учун устамалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳар ойда узлуксиз иш стажи (узоқ муддат ишлаганлик) учун устама тўланади.

23. Узлуксиз иш стажи (узоқ муддат ишлаганлик) учун тўланадиган устамалар фақат асосий иш жойи бўйича ҳар ойда ва ходимнинг лавозим маошига белгиланган разряд тариф ставкасига нисбатан қуйидаги фоизларда ҳисобланади:

| Иш стажи бўйича гуруҳ | Узлуксиз стаж учун устама миқдори |
|-----------------------|-----------------------------------|
| 3 йилдан 5 йилгача | 20% |
| 5 йилдан 10 йилгача | 35% |
| 10 йилдан 15 йилгача | 50% |
| 15 йил ва ундан ортиқ | 60% |

24. Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимларининг узлуксиз иш стажи (узоқ муддат ишлаганлик) учун устамаларни тўлаш (ишлаб чиқаришда қатнашувчи ходимлар) бюджет маблағлари, «Навоий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг ажратмалари ҳисобига амалга оширилади.

Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимлари тоифаларининг (ишлаб чиқаришда қатнашувчи ходимлар) рўйхати ушбу Низомга иловада келтирилган.

25. Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этмайдиган Давлат геология қўмитаси (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар), шу жумладан унинг марказий аппарати ходимларининг узлуксиз иш стажи (узоқ муддат ишлаганлик) учун устамаларни тўлаш Давлат геология қўмитаси олган фойда ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига амалга оширилади.

26. Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимларининг узлуксиз иш стажи (узоқ муддатли ишлаганлик) учун устамаларни тўлашга мўлжалланган бюджет маблағлари ҳамда «Навоий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг ажратмалари Давлат геология қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йилги дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади;

27. Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган Давлат геология қўмитаси ходимларининг узлуксиз иш стажи (узоқ муддатли ишла-

ганлик) учун устамаларни тўлаш йиллик дастурларда назарда тутилган кон бурғулаш ишларининг физик ҳажмларини бажариш ва фойдали қазилмалар захиралари ўсиши чораклик прогноз параметрларининг бажарилишига кўра ҳар ойда амалга оширилади.

28. Давлат геология қўмитаси тизими бўйича геология-қидирув, гидро-геология, илмий-тадқиқот ишларини ва минерал-хом ашё базасини ривож-лантириш ва қайта тўлдиришнинг ҳар йилги давлат дастурлари доирасида-ги бошқа ишларни бажарувчи ходимларга узлуксиз иш стажи учун устамаларни тўлашга доир сарф-харажатлар ишлар таннархига киради.

6-боб. Якунловчи қоида

29. Давлат геология қўмитасини қайта ташкил қилиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал ресурслар
қўмитаси тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Давлат геология қўмитасининг минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширишда бевосита иштирок этаётган ходимлари тоифалари РЎЙХАТИ

1. Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурлари доирасида тегишли лойиҳалар (ёки уларнинг бир қисми)ни амалга ошираётган идоравий мансуб ташкилотлар директорлари ва директорлар ўринбосарлари.

2. Бош геологлар, бош геолог ўринбосарлари, барча тоифадаги геологлар, техник-геологлар, геология мутахассислигининг барча техниклари, гидрогеологлар, геодезистлар, геофизиклар, маркшейдерлар, топографлар, палеонтологлар, геокимёгарлар ва барча тоифадаги кимёгарлар.

3. Партиялар, бўлимлар, шўъбалар, отрядлар, участкалар ва гуруҳлар бошлиқлари.

4. Бош муҳандислар, бош муҳандислар ўринбосарлари, барча тоифадаги муҳандислар, бош технологлар ва барча тоифадаги технологлар, бош геофизиклар ва барча тоифадаги геофизиклар, бош маркшейдерлар ва барча тоифадаги маркшейдерлар.

5. Бош мутахассислар ва барча тоифадаги илмий ходимлар.

6. Иқтисодиёт ва бухгалтерия хизматлари мутахассислари.

7. Бурғулаш усталари, бурғулаш қурилмаси машинистлари, машинист ёрдамчилари.

8. Кон ишлари усталари, шахта бошлиқлари, кон ишчилари, ер ости ишлари ишчилари ва геология-қидирув ишларининг бошқа хизматчилари.

9. Геология-қидирув ишларида қатнашувчи ишчилар ва транспорт воситалари хайдовчилари.

10. Геология-қидирув ишларида бевосита қатнашувчи бошқа мутахассислар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 июлдаги 494-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 8 июндаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 6-сон, 46-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПК-1604-сон қарори)» 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сон қарорига илованинг 34-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 85-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори) 2013 йил 8 октябрдаги 276-сон қарорига илованинг 11-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 10-сон, 72-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонунининг 6-моддаси)» 2016 йил 9 ноябрдаги 383-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 йил, 11-сон, 101-модда).